2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 24 (1085), 2024 йил 2 февраль, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 февраль куни металлургия корхоналарини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати ҳамда “Навоийуран” давлат корхонаси мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади. Сўнгги йилларда бу тўртта корхонага 7 миллиард 400 миллион доллар инвестиция киритилди. Бунинг натижасида олтин ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоиз, мис 41 фоиз, кумуш 60 фоизга ошди. Навоий комбинатида янги конлар ўзлаштирилиб, 3 та завод ишга туширилди. Ўзметкомбинат ва “Навоийуран”да ҳам ишлаб чиқариш кўпайди.

Умуман, ўтган 6 йилда ушбу корхоналарнинг жами саноатдаги улуши 10 фоиздан 17 фоизга, бюджет тушумларида эса 11 фоиздан 25 фоизга ошган.

Маълумки, 2030 йилгача мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 2 баробар ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган рақобат янги вазифалар қўймоқда. Бу шароитда мазкур тўртта йирик компания самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Тақдимотда мутасаддилар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва инвестициялар жалб этиш бўйича режаларини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий экспертларни жалб этиб, комбинатларни рақамли трансформация қилиш, бунда “яшил” технологияларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Инвестицияларни ўзлаштириш ва янги лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Ишлаб чиқаришда операцион харажатлар ва энергия сарфини мақбуллаштириб, таннархни қисқартириш вазифалари қўйилди. Шунингдек, комбинатларда меҳнат унумдорлигини ошириш, раҳбар ва мутахассислар фаолиятига самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

ЎзА

Долзарб мавзу

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

У ўзи нима, қандай зарурати бор?

Бугунги глобаллашув шароитида турли геосиёсий зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар, давлатлараро низолар кўпайиши баробарида, ахборот хуружлари ҳам кенг тус оляпти. У, ўз навбатида, борган сари замонамизнинг том маънодаги қудратли қуролига айланмоқда. Таъбир жоиз бўлса, уни ҳатто ядро қуролидан ҳам хатарли, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки инсон онги ва қалбини забт этиш, унга ўз ҳукмини ўтказиш, маънавиятидан, миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этишга йўналтириладиган ахборот хуружлари кўринмаслик хусусиятига эгадир. Шундай экан, унга қарши миллий ахборот иммунитетини шакллантириш, ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Президентимиз ўтган йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида ва жорий йил 12 январдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, замонавий таҳдидларга қарши муносиб кураш олиб бориш учун, аввало, ахборот маконида миллий контент яратиш зарурати, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳо бериш лозимлиги, акс ҳолда, ташқаридан турли ахборот хуружлари кириб келишига имкон яратиб қўйилиши, янгилик ва ахборотга эҳтиёжларнинг бошқалар томонидан тўлдирилишига сабаб бўладиган нохуш оқибатлардан огоҳ бўлишга даъват этди.

Дарҳақиқат, бу ҳозирги даврнинг устувор талаби ва шартидир. Шу боис, бу мавзу миллий медиа маконимизда кўп муҳокама қилинмоқда, турфа фикрлар билдирилмоқда.

Биз ҳам олимлар, экспертлар, сиёсатшунослар ва маънавият соҳаси вакилларининг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

Давоми 3-бетда

Тараққиёт йўли

ПЕДАГОГ МАҚОМИ

жамият ва давлат нуфузининг мезонидир

Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳамда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида педагог мақомини юксалтириш вазифаси алоҳида қайд қилинган. Ушбу масала шунчаки қоғозни безаган чиройли орзу-истаклар ифодаси эмас, балки қатъий ҳаётий мақсад экани изчил ислоҳотлар давомида кундан-кунга янада яққолроқ намоён бўлиб боряпти. Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонунни фикримизнинг тарихий тасдиғи дейиш мумкин. 21 моддадан иборат мазкур қонун билан юртимиздаги 700 мингга яқин педагогнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланди.

Давоми 2-бетда

Нуқтаи назар

Яширин иқтисодиёт: АМАЛДА БОРУ, ҲИСОБДА ЙЎҚ ФАОЛИЯТ

Хуфиёна, яширин иқтисодий фаолият бугун пайдо бўлиб қолган эмас ва у ҳар бир давлатда, ҳар қандай иқтисодий жараёнда юзага чиқиши мумкин. Глобал иқтисодиёт кўлами ва ҳажми кенгайгани сари ушбу фаолият зарари ҳам ортиб бораверади. Шу боис, бугун дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам амалда бору, ҳисобда йўқ фаолиятга қарши жиддий чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун муайян тадбирлар белгиланиб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланяпти.

Жорий йил 16 январь куни Президентимиз раислигида 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам яширин иқтисодиёт муаммоси бугунги кунда энг долзарб масала экани қайд этилди.

Таҳлилларга кўра, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма “соя”да қолмоқда. Давлатимиз раҳбари яширин иқтисодиёт адолатли рақобатга, ҳалол тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётганини айтиб, қўшимча чораларни кўрсатиб ўтди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда бизнес вакиллари учун имкониятлар кенгаймоқда. Шунга қарамай, иқтисодиётда яширин ишлаб чиқариш ҳамда айланмаларнинг сақланиб қолиши тадбиркорлик ривожига ва соғлом рақобатни таъминлашга тўсиқ бўлмоқда. Шу билан бирга, бизнес вакиллари учун яратилаётган имкониятларга қарамасдан, ундан самарали фойдаланиш ўрнига ҳам ноҳалол, ҳам ноқонуний йўлдан бориб, даромад ортидан қуваётганлар йўқ эмас.

Яширин иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш орқали айрим кишилар ёхуд гуруҳлар манфаатига хизмат қилади. Илмий манбаларда унга турлича таърифлар берилган. Жумладан, у ёки бу ҳолатда қоидаларнинг бузилиши хуфиёна иқтисодиёт турларини фарқлаш мезони сифатида олинади. Ушбу мезонлардан ҳаракатларнинг тўрт хили ажратилади: нолегал (махфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

Давоми 4-бетда

Мулоҳаза

ЖАСОРАТ БИЛАН МАЙДОНГА ЧИҚАЙЛИК!

Ватанни, ўз халқини, оиласини ҳимоя қилиш эр киши учун шарафли иш. Аёл эса фарзандлар тарбияси, оила тинчлигини таъминлаш билан юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Ватанпарварлик, оддийгина айтганда, Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатиш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилиш дегани.

Озодлик учун курашган, жонини фидо қилган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари халқимизнинг мард ва жасур фарзандлари миллатимиз учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун ватанпарварлик тимсоли. Уларнинг жасорати замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси ётади. Ўз даврида **“Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур”,** деб ёзган эди Фитрат.

Бугун ҳар биримиз ўз-ўзимиздан сўрашимиз керак: Ватан учун нима қилдим? Мустақил, тинч ва эркин юртда биздан нималар талаб қилинади? Она ватанга муносиб фарзанд бўлиш нима дегани?

Ҳарбий одам уйдан чиқар экан, кечқурун оиласи бағрига қайтиб келадимийўқми, аниқ билмайди. У Ватан учун, халқ учун шу масъулиятни бўйнига олган.

Давоми 2-бетда

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни

“КИШИДАН ЯХШИ ОТ ҚОЛҒАЙ ЖАҲОНДА”

ЁХУД ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИККА, ИЛМНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШГА, КАСБДА КАМОЛ ТОПИШДА ҒАЙРАТ ҚИЛИШГА УНДАЙДИГАН НАСИҲАТЛАР БАЁНИ

Алишер Навоийнинг бебаҳо ўгитлари ёш авлодда ватанпарварлик, юксак маънавият, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни шакллантиришда ғоят муҳим ўрин тутишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Буюк бобомизнинг бетакрор асарлари орқали эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик каби олижаноб фазилатлар моҳиятини теранроқ англаймиз. “Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокаматул луғатайн” каби асарларини қўлдан қўймай ўқимоқ, мазмун-моҳиятини теран англамоқдан маъно ҳам шудир.

Давоми 6-бетда

Ўқитувчиларни касбий фаолиятига кирмайдиган ишлар — қишлоқ хўжалигидаги юмушлар, ободонлаштириш, йиғилишларга жалб қилиш тақиқланган. Шунингдек, педагоглардан ҳисобот ва маълумотлар талаб қилиш, фаолиятини текшириш, тадбирларда қатнашишга мажбурлаш ман этилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 2 февраль, 24-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Тараққиёт йўли

ПЕДАГОГ МАҚОМИ

жамият ва давлат нуфузининг мезонидир

Ҳилола УМАРОВА,
мактабгача ва мактаб таълими вазири

Бошланиши 1-бетда

Қонунда педагог ходим фаолиятининг кафолатлари сифатида унинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ўқитувчиларни касбий фаолиятига кирмайдиган ишлар — қишлоқ хўжалигидаги юмушлар, ободонлаштириш, йиғилишларга жалб қилиш тақиқланган. Шунингдек, педагоглардан ҳисобот ва маълумотлар талаб қилиш, фаолиятини текшириш, тадбирларда қатнашишга мажбурлаш ман этилган. Ўқитувчининг зиммасига товарлар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш, шу жумладан, лавозим маошидан унинг розилигисиз маблағ ушлаб қолиш, куз-қиш даврида ва ишланмайдиган байрам кунларида таълим ташкилотида навбатчиликка жалб этиш, қолаверса, ўқувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатиш, хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш тақиқланган. Ушбу нормаларга амал қилмаслик жавобгарликка сабаб бўлиши қатъий белгиланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, қонунда педагогларга қисқартирилган иш вақти белгиланиши кафолатланган. Докторлик диссертацияси, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш учун ижодий таътил берилиши назарда тутилган.

Ўқитувчиларга муаллифлик дастурларини ва ўқитиш услубиятини жорий этиш, замонавий педагогик воситаларни эркин танлаш, давлат ахборот-ресурс марказлари хизматидан бепул фойдаланиш каби қатор имкониятлар бериляпти.

Педагоглар касбий фаолиятини бажариш чоғида шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун, шунингдек, ўз ҳуқуқларини бузаётган давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати устидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган тақдирда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Янги қонунимизда ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган “Ўқитувчиларнинг ўрни тўғрисида”ги тавсияларга мувофиқ педагоглар учун ижтимоий кафолатлар белгиланган. Жумладан, давлат таълим ташкилотлари педагоглари юқумли касалликларга қарши бепул профилактик эмланиши ҳамда давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиши мумкин.

Мамлакатимизнинг олис ҳудудида жойлашган таълим ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлаш учун жалб қилинган олий маълумотли педагогларга бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўланиши ҳам қайд этилган. Давлат таълим ташкилотларининг педагоглари давлат

> Ўқитувчиларга муаллифлик дастурларини ва ўқитиш услубиятини жорий этиш, замонавий педагогик воситаларни эркин танлаш, давлат ахборот-ресурс марказлари хизматидан бепул фойдаланиш каби қатор имкониятлар бериляпти.

томонидан бирламчи ўқув-услубий материаллар билан таъминланиши, ўқув дастурлари ўзгарганда давлат таълим ташкилотининг педагоглари давлат ҳисобидан янги турдош фанга қайта тайёрланиши белгиланган. Бир нафар педагогни қайта тайёрлаш учун бугунги кунда олти миллион сўм сарфланиши кўзда тутилса, ўқитувчилар учун яхшигина енгиллик берилаётгани ойдинлашади.

Умумий ўрта таълим ташкилотида илк бор касбий фаолиятини бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврида мураббийлик қилиш учун тажрибали педагог бириктирилиши ҳамда мураббийлик қилгани учун базавий лавозим маошига қўшимча ҳақ тўланиши мумкинлиги қонунан мустаҳкамланди. Давлат таълим ташкилотларининг ўқитувчиларига давомийлиги кўпи билан эллик олти календарь кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги

асосий узайтирилган меҳнат таътили кафолатланди.

Қонуннинг 12-моддасида педагогнинг ойлик иш ҳақи маълумоти, малака тоифаси (лавозими) бўйича базавий тариф ставкаси, илмий даражаси, илмий унвони, давлат мукофотлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа устамалар инобатга олинган ҳолда ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ҳозир Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида педагоглар ойлик маошига қўшилган устамалар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалдаги тартибга кўра, халқаро фан олимпиадаларининг совриндорларини тайёрлаган педагогларга 150-200 фоиз, олис ҳудудларда жойлашган таълим ташкилотларига бошқа ҳудудлардан келган ўқитувчиларга 10-50 фоиз, илмий даражаси (PhD, DSc) ёки илмий унвони борларга 30-60 фоиз, миллий ёки халқаро сертификат эгаларига 20-50 фоиз миқдорида устама тўланмоқда. Биргина мисол: бугун 25,9 минг педагогнинг миллий ёки халқаро сертификати мавжуд бўлиб, уларга бир йилда 1,2 триллион сўм устама тўлаш талаб қилинади.

Мавжуд имтиёзлар ва яратилган имкониятларга жавобан ҳамкасбларимиз мунтазам ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас бўлиб, малака ошириб бориши зарур. Шу маънода, янги қонунда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам аниқ нормалар белгилаб қўйилган. Давлат таълим ташкилотлари педагогларининг малакасини белгиланган муддат ва ҳажмда ошириш харажати давлат бюджети ҳисобидан қопланиши кўрсатилган.

Айни пайтда педагог кадрларнинг малака тоифасини ошириш тизимида ҳам ортиқча расмиятчилик ва қоғозбозликка чек қўйилган. Бу жараён билимини мунтазам ошириб боришдан манфаатдор, касбига меҳр қўйган фидойи, маҳоратли муаллимлар учун яна бир имконият. Малака тоифасини олиш бўйича синовлар бир йилда камида бир маротаба икки босқичда ўтказилади ва 100 баллик тизимда баҳоланади. Биринчи босқичда педагогнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси (80 балл), иккинчи босқичда педагогик маҳоратини (20 балл) баҳолаш тартиби жорий қилинмоқда. Ҳар икки босқич ҳам компьютерда реал вақт режимида онлайн ўтказилади. Натижалар инсон омилига боғлиқ бўлмайди.

Юксак эътибор топаётган педагоглар касбий мажбуриятини бажариш чоғида этика қоидаларига риоя этиши зарурлиги ҳам қонун назаридан четда қолмаган. Педагогик этика қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш ўқитувчи ўз касбий мажбуриятларини бажаришининг сифат кўрсаткичларини ҳамда меҳнат интизомини белгилайдиган мезон сифатида қайд этилган.

> **“Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги янги қонун билан қадр-қиммати янада юксалган устоз-мураббийлар тақдиридан рози бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишига ишонамиз.**

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов таъкидлаганидек, муаллим камолот ичра кўзгудир. Бу кўзгу шу қадар тиниқ бўлиши, унга боқиб барча ўзини, ўзлигини такомиллаштириши, иллатларидан фориғ бўлиб, феъл-атворини тартибга келтириши лозим. Табиийки, жамият учун чинакам камолот кўзгуси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу туфайли қонунда педагоглик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайдиган шахслар ҳақида аниқ нормалар мавжуд. Хусусан, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилган шахслар, педагоглик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қиладиган касаллиги бўлганлар, психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турганлар, қасддан содир этган жиноятлари учун илгари судланганларни педагогик фаолият билан боғлиқ лавозимларга ишга қабул қилиш ман этилди. Ушбу нормаларни татбиқ этиш жараёнида нафақат миллий менталитетимиз, балки халқаро тажриба ҳам ўрганилди.

Аниқроқ айтганда, қонунни ишлаб чиқишда Хитой, Жанубий Корея, Финляндия каби таълимда илғор давлатлар билан бирга қўшни Қозоғистон, Қирғизистондаги норматив-ҳуқуқий асослар ҳам синчиклаб ўрганиб чиқилди.

2030 йилга қадар мамлакатимиздаги Президент таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитиш методикасини барча умумий ўрта таълим муассасалари ўқув жараёнига жорий қилиш, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, халқаро таълимни баҳолаш тадқиқотларида муносиб иштирок этиш, 500 минг нафар соҳа ходимининг малакасини узлуксиз ошириш тизимини такомиллаштириш, эҳтиёж юқори бўлган йўналишлар ва олис ҳудудлардаги абитуриентлар учун педагогик таълим йўналишлари бўйича кадрларни тўлиқ давлат гранти асосида тайёрлашни жорий қилишга бел боғлаганмиз.

Қолаверса, тарбиячи ва ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, бир қанча халқаро олимпиадаларни юксак савияда ташкил қилиш каби долзарб вазифалар олдимизда турибди. Улар ижроси юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз.

“Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги янги қонун билан қадр-қиммати янада юксалган устоз-мураббийлар тақдиридан рози бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишига ишонамиз. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, “Жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса — мактабнинг обрўйи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир”.

Мулоҳаза

ЖАСОРАТ БИЛАН МАЙДОНГА ЧИҚАЙЛИК!

Жалолиддин УСМОНОВ,
Халқаро пресс клуб раиси

Бошланиши 1-бетда

Лекин Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш фақат ҳарбийларнинг вазифаси эмас. Ҳар бир тарихий давр ватанпарварликни турлича ифодалашга замин яратган. Қайсидир даврларда урушлар бўлган ва шу орқали инсонлардаги фидойилик юзага чиққан. Ҳозир одамлардаги ватанпарварлик юртига, оиласига, миллатига бўлган садоқат, меҳр-муҳаббат билан ифодаланади. Шу ўринда яна бир гап. Агар инсонда илм, тажриба бўлса, икки ёки учта тилни мукаммал билса, қўлидан кўп иш келса-ю, уни миллат ва Ватан ривожи йўлида ишлатмаса, ундан ҳеч кимга фойда йўқ. У ватанпарвар эмас.

Аслида, сайловларда овоз бериш, барча қонунларга риоя қилиш ва солиқ тўлаш, Конституциядаги ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятларга амал қилиш ҳам ватанпарварлик.

Олимларнинг фикрича, ватанпарварлик — ўз она тилини пухта билиш, тарихини чуқур ўрганиш, миллий санъат, адабиётини қадрлаш каби мезонлар билан ҳам баҳоланади.

Шундан келиб чиқиб, биз нималарга эътибор қаратишимиз керак?

Болада 3-7 ёш оралиғида туйғу, ижтимоий мотив, миллий анъаналарга қизиқиш шаклланади. 7-10 ёшли болада мантиқ, фикр, муносабат ривожланади. 11-17 ёшли ўсмирларда жисмоний жиҳатдан етуклик, етакчиликка интилиш пайдо бўлади. 18-21 ёшда инсонга фуқаро сифатида қаралади. Бу вақтда унда касбга интилиш, кўникмаларга эга бўлиш, миллий манфаатларни англаш каби жиҳатлар шаклланади. 22-30 ёшда эса давлат, жамият манфаатини англаш жараёни юз беради. Хўш, айтинг-чи, бугунги ёшлар буни англяптими, уларнинг фуқаролик позицияси шакллангани? Бу ишларни ким қилиши керак?

Бола тақлидчи бўлади. Демоқчимизки, аввало, ота-она фарзандга намуна бўлиши муҳим. Агар ота-она “китоб ўқи”, десаю, ўзи ўқимаса, “телефонда кераксиз нарсаларни кўрма”, десаю, ўзи номақбул нарсалардан фойдаланса, тарбияда ноқислик кузатилиши табиий. Таълим-тарбия масаласида шу жиҳатлар таҳлил этиб борилгандагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Фарзанд қалбига ёшлигидан миллий қадриятларни сингдиролмасак, унинг фақат ташқи кўринишига, кийимига эътибор бериб, руҳиятини интернетга топшириб қўйсак, боланинг фақат жисми бизники, қалби бошқаларники бўлади.

Зарур билимларга эга бўлмаган одам ватанпарвар бўлолмайди. Бошқача айтганда, ватанпарвар — бу шахс, индивид эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир ёшни ўзини англаган шахсга айлантириш учун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташаббус ёшларнинг билимли, жасур, оқил ва доно шахс сифатида шаклланишига олиб борадиган асосий йўлдир.

Инсонлар қанчалик бирлашса, уюшса, уларнинг умуммақсадида ривожланиш, барака бўлади. Бунга эришиш учун зиёли қатлам фаол бўлиши ва ўз фикрини билдириши, миллатини улуғлаши, ҳимоя қилиши зарур. Японлар ўзига хос жиҳатларни “япон мўъжизаси”, корейслар эса “корейс табиати”, натижаси деб фахрланади.

Яна бир гап. Инсоннинг ўзига, келажаги ва мақсадига ишончи мустаҳкам бўлиши зарур. Биз шахсий намуна кўрсата олишимиз, шу юрт тақдири учун дахлдорлигимизни ҳис қилиб, ўз касбимизга фидойи бўлсак, ўзимиз ва фарзандларимиз учун обод, озод, тинч, фаровон, тараққий этган юртни қолдира оламиз. Келажакка ишонч ва умид, кичик кўринса ҳам, маиший муаммоларга эътиборли бўлишдан, муомала,

Ҳаким йўлдошев олган сурат.

меъёрни билиш, дахлдорлик, жамоатчилик назоратини ўрнатишдан бошланади. Бу — экологияни асраш, электр энергияси, сувни тежаш, ўз касбига садоқат билан киришиш кабиларда кўринади. Айрим ҳолларда навбатда тартиб билан туришни ҳам билмаймиз. Кичик кўринган шу ҳолат замирида ҳам ўзгаларга, юртдошларга, халққа бўлган ҳурмат ётади.

Ватанпарварлик ҳақида сўз борар экан, хорижий тажрибани ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Айрим ривожланган мамлакатларни кўряпмиз, қадрият, оила тушунчаси қуйи даражага тушиб, ёшлар сони кескин камайиб бормоқда. Бу ёғига энди ўз миллий қадриятларини, оиласини маҳкам ушлаган миллат ривожланади. Уларнинг тажрибасини ўрганиш фақат фойда келтиради.

Масалан, Япония таълим тизимида биринчи синфдан то олтинчи синфга қадар “ахлоқ томон йўл” дастури асосида дарс ўтилади. Бу дарсларда япон болалари ахлоқ, этика қоидалари, одамлар билан муомалани ўрганади.

Жанубий Кореяда тарбиявий дарслар билан бирга мусиқа, тасвирий санъат ўқитилади. Хитойда эса ватанпарварлик мафкураси нафақат юрти, балки вилояти, шаҳри, оиласи, шунингдек, хитой тилини севиш ва фахрланиш асосига қурилган.

Буларнинг барчаси қалб тарбияси, Ватанни севиш каби туйғуларнинг шаклланиши дегани. Бунда, аввало, болага қадрият сингдирилади. Иккинчидан, қалб тарбияланади. Учинчидан эса, руҳий тарбия шаклланади. Ана шунда биз натижага эришамиз. Ҳозир фақат моддият билан ўралашиб, тарбияда қалб, руҳни эсдан чиқариб қўйдик. 30 ёшга кирганда ватанпарварликни ўргатиб, сингдириб бўлмайди. Бу жиҳатлар қалбга сингмаган бўлса, у бола ватанпарвар эмас, манфаатпараст бўлади.

Шу боис, қадриятларимиз асосида таълим-тарбия олаётган фарзандларимизда руҳ тарбиясини ҳам йўлга қўйиш зарур. Бу жараёнда юрт зиёлиларининг зиммасига янада улкан масъулият юкланади.

Президентимиз айтганидек, **“Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар”.**

Хулоса қилиб айтганда, ўғил-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим тизими оиладан кейинги ўринда, айрим ҳолларда ундан ҳам устун туради. Бугун экилган ниҳол эртагаёқ мева бермайди. Аммо орадан йиллар ўтиб, албатта, ҳосилга киради. Унга фақат тўғри парвариш керак, холос.

Долзарб мавзу

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

У ўзи нима, қандай зарурати бор?

Бошланиши 1-бетда

КРЕАТИВ ЁНДАШУВ КЕРАК

Нозима МУРАТОВА, филология фанлари доктори:

— Ҳозир дунёда ахборот хуружи, гибрид урушлар шиддат билан кечмоқда. Бу жараёнда инсон эътибори, диққатини жалб этиш бош мақсадга айланган. Ана шундай кураш майдонида ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўзлигини сақлаб қолиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши учун жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий билим ва тафаккур даражаси ниҳоятда юқори бўлиши лозим. Акс ҳолда, ёт ва нохолис ахборотлар демократик жараёнларни издан чиқариши, инсониятни боши берк кўчага етаклаши ҳеч гап эмас. Халқимизни, айниқса, ёшларни бундай салбий ахборотлар таъсиридан асраш учун ўз миллий ахборот маконимиз бўлиши ва ушбу манбалар миллий контент билан тўлдирилиши лозим.

Шу ўринда миллий контент ўзи нима эканига тўхталиб ўтсак. **Контент ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ва ёки нашр этиш учун нутқ, ёзув ёки ҳар хил санъат турлари каби бирор-бир восита орқали ифодаланиши керак бўлган ахборот воситаси ҳисобланади.** Бу борада бир неча жиҳатни фарқлай билишимиз лозим. Контент сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий, таълимга оид ёки кўнгилочар мавзуларда бўлиши мумкин. Зеро, инсон онги ва дунёқарашига ёт ғоялар турли ахборотлар орқали сингдирилади ва бу жараёнда “юмшоқ куч”ни ифода этувчи юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўналишнинг ўз ўрни бор. Дейлик, хорижий оммавий ахборот воситасида кўнгилочар мавзуларда берилган ёт ғояларга оид материалларга худди шундай йўналишдаги миллий асарлар билан бойитиш таъсирлироқ бўлади. Ёки ахборот хуружига шу жанрдаги материаллар билан, таълим йўналишидаги контентга шунга мос воситалар асосида жавоб қайтарилса, мақсадга мувофиқдир. **Ва айни шу жиҳат, аниқроқ айтганда, чет оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган тажовузкор ғояларга худди шундай йўналишдаги миллий асарлар билан жавоб қайтариш миллий контент яратиш бўлади.**

Шуниси қувонарлики, бу борада мамлакатимизда катта салоҳият мавжуд. Яъни турли соҳаларга ихтисослашган газета, теле ва радиоканаллар, маҳаллий нашрлар ва ҳатто кўплаб нодавлат ОАВлар фаолият юритяпти. Интернет журналистикаси ҳам йил сайин ривожланмоқда. Эндиги асосий вазифа — уларни бугунги кун талаби ва халқимиз эҳтиёжига мос миллий контент билан тўлдириш. Фикримча, бу вазифаларни тўлақонли бажариш учун кўп йиллик иш тажрибасига эга, малакали журналистлар қатори ёш ижодкорларни ҳам кашф этиш ва жараёнга кенгроқ жалб этиш лозим. Зеро, ёшлар “тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида ўз сўзини ёшларбоп усулда, тенгдошларининг онги ва шуурига етиб борадиган тилда етказиб беради. Шунинг учун ҳам бу жараёнда иккита ўзига хос салоҳият — **малакали журналистларнинг тажрибаси ва ёшларнинг ғайрат-шижоати бирлаштирилса, натижа ҳам яхши бўлади.**

Ҳозир ёшларимиз билим, ҳунар эгаллаш қаторида тил ўрганишга ҳам чанқоқ. Шу боис, теле ва интернет каналларда тил ўрганишга мослашган манбалар кўпайиб боряпти. Уларнинг фаолиятини кузата туриб, баъзи мулоҳазалар туғилади. Масалан, ўрганувчилар учун мулоқот матнлари тузилаётганда ёки мисоллар келтирилаётганда она тилимиздаги адабиётларга мурожаат қилинишини таъминлаш лозим. Бу ҳам миллий контентнинг ажралмас қисми. Бу жиҳатларга таълимга оид барча кўрсатув, эшиттириш, мақола ёки бошқа манбаларда ҳам риоя қилиниши зарур.

Сиёсий мавзулардаги контентларга тўхталадиган бўлсак, юртимизда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнлар, қонунчилик ва бошқа соҳадаги ўзгаришларни халқимизга ва хориждаги ахборот истеъмолчиларига тезкор, холис, очиқ ва тушунарли тилда етказиш журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бу борада кўзланган мақсадларга эришишда интернет нашрлар ва ижтимоий тармоқлар имкониятидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Зеро, бугун дунё аҳлининг 60 фоиздан кўпроғи шу манбалардан фойдаланади. Демак, инсоният қайси ахборот маконида яшаётган бўлса, ахборотни одамларга етказишда ўша воситалардан унумли фойдаланиш муҳим. Кейинги йилларда юртимизда бу борада ҳам сезиларли натижаларга эришиляпти. Галдаги вазифа ана шу жараёнларни давом эттириш ва дунё ахборот маконида ўз миллий манфаат ва мақсадларимизни дадил олға суришдир. Бунинг учун журналистларимиз нафақат ўз соҳаси, балки замонавий ахборот технологиялари бўйича ҳам етарли билим ва малакага эга бўлиши асосий талаблардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, хорижий тилларни ҳам чуқур билиш, ихтисослашув яхши самара беради.

Яна бир йўналиш — тарихий фильм ва сериаллар яратиш ва намойиш этиш масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Шуниси аҳамиятлики, юртимизда бу борада, яъни бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш бўйича катта салоҳият мавжуд. Ҳозир бу мактаблардан етишиб чиққан кўплаб ёш киноижодкорларимиз самарали ижод қиляпти. Улар яратган асарлар юртимиз ва хорижда алоҳида эътирофга сазовор бўляпти. Энди бу йўналишдаги ижодий мактаблар фаолиятини ҳам янада ривожлантириш, янгича йўналишларда ёш кадрларни тайёрлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири.

Шу билан бирга, **оммавий ахборот воситаларида санъат ва маданият йўналишида ёшларбоп манбаларни кўпайтириш давр талаби.**

Яна бир таклифим шуки, ОАВларни миллий контент билан тўлдиришда журналистлар билан бир қаторда, режиссёр, рассом, турли креатив соҳалар мутахассислари, адабиёт, санъат ва маданият намояндаларидан иборат ижодий жамоалар шакллантирилса ва улар ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратилса, бугунги кун ўқувчиси, тингловчиси, томошабини кутаётган серқирра йўналишдаги асарлар кўпайишига эришган бўлар эдик.

МАТБУОТ – МИЛЛИЙ РУҲ ТАРҒИБОТЧИСИ

Зуҳриддин ҲАСАНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси:

— Тобора ривожланиб бораётган ахборот технологиялари ахборот тарқатиш ва медиа соҳаси ишларини осонлаштирди. Замонавий дунёда ахборотни ёруғлик тезлигида дунёнинг у нуқтасидан бу нуқтасига юбориш мумкин. Ҳатто шу ахборотга ишлов бериш, унга зарар етказиш жараёни ҳам нейротармоқлар ва сунъий интеллект технологияси сабабли соҳаларда амалга оширилмоқда.

Ахборот хуружлари (кибер хуружлар) ортидан баъзида миллиардлаб моддий зарар кўрилади. Аммо ахборот хуружининг номоддий таъсир жараёни узоқ ва чегара билмас, бирон-бир ғояни сингдиришга асосланган турлари ҳам борки, унга қарши курашиш жамиятнинг ҳар бир аъзосидан чуқур билим, ғоят катта сабр-тоқат талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари илгари сураётган ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадида медиа маконда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни кучайтириш вазифаси ижроси ўлароқ, **барча маънавият фидойилари “Маънавият барча соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак” шиори остида меҳнатини шу эзгу даъват йўлида сарфлаши зарур.**

Бугун интернет ва ижтимоий тармоқларни яхши ўзлаштирган, илмий-техник ютуқларни тез эксплуатация қила оладиган янги авлод шаклланмоқда. Илмий-техник ютуқлар ва ахборотнинг ҳаётимизга таъсири ортиб бораётганини инобатга олсак, баъзида унинг ғоявий таъсир этиш воситаси сифатида хавфли қуролга айланиб қолиши ҳам ҳеч кимга сир эмаслиги кишини ўйлантиради.

Ижтимоий тармоқлар сегментининг катта қатлами ёшлар. Тармоқларда жойлаштирилаётган материаллар замирида ўта саёз, ҳаётнинг фақат енгил-елпи жиҳатларини тарғиб қиладиган ғоялар ётгани ғоят ачинарли. Ёшларнинг медиамаҳсулотларга нисбатан талаби ва истеъмолчилик даражаси паст савияга тушиб бораётгани бачканалик ва шоуменлик урфга киришига замин яратмоқда. Бу муаммонинг кўринган тарафи, холос. Ахборотнинг бу шаклдаги мақсадсиз кўринишининг олдини олиш бугунги кунда олимлар, экспертлар қаторида матбуот соҳаси вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бугунги кунда бу борада кўзланган мақсадларга эришиш ва миллий журналистикамизни ривожлантириш учун барча шароит мавжуд. Конституциямизда белгиланганидек, ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Қонунчилигимизда ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда конституциявий тузум, аҳолининг соғлиғи, ижтимоий ахлоқ, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, хусусан, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Ушбу тамойил асосида ҳар ким ўз фикрини эркин баён этган ҳолда, расмий журналистик ёки шахсий блогерлик фаолиятини олиб бориши мумкин.

Албатта, бу ҳуқуқий имкониятлар миллий журналистикамиз ривожида муҳим омил бўлаётир. Ҳозирги кунда юртимизда қарийб 2150 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 700 дан ошгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётгани эътиборлидир.

Айни пайтда бугунги мураккаб давр маънавий-маърифий соҳалар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўзига хос ютуқлар билан бирга муаммоларни ҳам намоён этмоқда. Яъни жаҳонда рўй берадиган сиёсий жараёнларни аҳолининг онги ва шуурига мос равишда тўғри шарҳлаш, сиёсий ахборотни миллий манфаатларга мослаштиришда ахборот соҳаси вакиллари, зиёлилар ва сиёсат соҳаси билимдонларининг овози баъзида сезилмай қолаётгани ҳам бор гап. Яна бир масала, юртимиз ахборот маконида ягона ахборот муҳитининг етишмаётганидир.

Зеро, бугун ахборот маконининг мазмун ва моҳияти трансформацияга учраётган бир даврда **миллий руҳда тарбияланган журналист, блогер ва сиёсатчилар энг илғорлар сафида миллатни ягона мустақил умуммиллий ғоя — янги Ўзбекистон ғояси ортидан эргаштириб, халқимизнинг орзу ва мақсадига айланган Учинчи Ренессанс сари бошлаши айни муддаодир.**

Бунга эришиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва интеллектуал салоҳиятимиз етарли, албатта. Ишончимиз комилки, замонавий илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук мутахассислар бу эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, бугунги мураккаб замон синовларига ўз сўзини дадил айтибгина қолмай, тинчлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу мақсадларимизга эришишда ҳам интилишдан асло тўхтамайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

ХОРИЖДА МИЛЛИЙ АХБОРОТ БРЕНДИ ТАЪСИС ЭТИЛСА...

Суҳроб БЎРОНОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори:

— Бугунги ахборот маконида қандай муаммолар бор, ўзбек миллий контенти яратилишида хориж тажрибасининг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозим, хорижий интернет саҳифаларида ўзбек миллий контентини қандай акс эттириш мумкин? Бу сингари саволлар, айниқса, медиа оламига янги иштирокчилар кириб келаётгани, ички ва ташқи ахборот ўртасида вужудга келаётган турли зиддиятлар, ахборот хуружларига қарши превентив ва оператив чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари миллий контент яратилишига тизимли ва кўп томонлама ёндашиш масъулиятини талаб этади. Бизнингча, қуйидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларимиз миллий контент ривожига маълум маънода ҳисса қўшиши мумкин.

Таълим ва ўзбек тили миллий контенти. Миллий контент, энг аввало, таълим жараёнида ўз аксини топиши лозим. “Дунё” ахборот агентлиги маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 60 миллиондан ошади. Ҳозир хорижий давлатлардаги 50 дан ортиқ ўқув юртида ўзбек тили ўргатилмоқда. Аммо бу ўзбек тилининг миллий ва халқаро нуфузини ошириш учун етарли эмас. **Шу боис, олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили стипендияси”ни таъсис этиш талаба-ёшларнинг она тилига бўлган ҳурмат-эҳтиромини ва эътиборини жонлантиришга муайян даражада хизмат қилса, стратегик ва яқин ҳамкор давлатларнинг олий таълим муассасаларида ўзбекология факультетларини очиш хорижликлар кўз ўнгида ўзбек тили, маданияти ва тарихи ҳақида ёрқин тасаввур пайдо бўлишига ёрдам беради.**

Ўз навбатида, хорижнинг энг нуфузли интернет ёки ахборот нашрлари электрон сайтларидаги тиллар гуруҳида ўзбек тили учун ажратилган алоҳида бўлим деярли учрамайди. Миллий ўзбек тили контентини нуфузли хорижий сайтлар саҳифасида акс эттириш ишлари тегишли ташкилотлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда босқичма-босқич ижро этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбек тилини ўрганаётган хорижликлар учун Халқаро ўзбек тили нотиқлик танловини ўтказиш, шунингдек, ўзбек тили ва адабиётининг дурдона асарларини инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима қиладиган “Ватан” нашриётини таъсис этиш ҳам ўзбек тилининг халқаро ахборот майдонидаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Миллий медиа контент. Ойнаи жаҳонда муттасил тақдим этиб бориладиган, лекин миллий анъана ва қадриятларга ёт ғояларни тарғиб этаётган миллий ҳамда хорижий кинолар, сериаллар, дастурлар фаолиятини тақиқлаш вақти келди. Бунинг ўрнига ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, буюк аждодларнинг бой илмий ва маданий меросини тараннум этадиган кўрсатувларни эфирларда кенгроқ ва кўпроқ кўрсатиш айни муддао бўларди.

Ўзбекистоннинг хориждаги миллий ахборот брендини таъсис этиш лозим. Масалан, Uzbek News Network — UzNN. Унда хорижий давлатларда аккредитациядан ўтган ўзбек мухбирлари халқаро майдонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни шарҳлаб бориш ва бошқа нуфузли контентлар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади. Бу эса истиқболда миллий контент бўйича профессионал кадрлар малакасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Миллий ақлий марказлар. АҚШ Федерал алоқа комиссиясининг собиқ раиси Нютон Меноу бундай деган эди: **“Ғояларни амалга ошириш учун сарфланган 1 доллар маблағ бомбалар ишлаб чиқариш учун кетган 100 доллар қийматига тенг”.** Сир эмас, Ўзбекистонда миллий контент фаолиятини ривожлантириш ёки жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганишга ихтисослашган ақлий марказлар сони кутилган даражада етарли эмас. Айнан шу мақсадда дастлаб **“Миллий контент” ахборот-таҳлилий марказини ташкил этиш, кейинчалик шунга ўхшаш ақлий марказлар сонини кўпайтириш янги ғоялар пайдо бўлишига, соҳа олимларининг таклиф ва ташаббусларидан унумли фойдаланишга замин яратади.**

Умуман, кундалик ҳаётимизнинг асосий қисмига айланиб бораётган интернет ва ундан келаётган зарарли маълумотлар миллий ўзлигимизга рахна солишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бугунги ахборот майдонида миллий контентнинг йўқлиги миллий ўзликнинг йўқотилиши сифатида баҳоланиши шарт ва лозим. Шу боис, ахборот хуружи кенг авж олаётган майдонда нафақат рақобатбардош миллий контентни яратиш ва у орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур, балки уни хорижий ахборот ресурсларида ҳам доимий акс эттириш вазифаси давримизнинг кечиктириб бўлмайдиган талаби ҳисобланади.

Илмий жиҳатдан қандай таҳлил қилиниши, ўрганилиши ва қандай баҳо берилишидан қатъи назар, яширин иқтисодиёт бутун мазмун-моҳияти билан иқтисодиётга, жамиятга, давлатга зарар келтирувчи жараёндир. У кўпайган, илдиз отган жойда рақобат муҳити бузилади, шаффофлик ғирромликка йўл беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 2 февраль, 24-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Нуқтаи назар

Яширин иқтисодиёт: АМАЛДА БОРУ, ҲИСОБДА ЙЎҚ ФАОЛИЯТ

Соҳиб ТОПИЛДИЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг айрим шаклларини белгилаб берувчи, юридик тартибларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг бир кўриниши. Бунда нолегал тадбиркорлар таъқиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни тақсимлашда иштирок этади.

Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт. Бу институционал жиҳатдан ўрнатилган, Солиқ кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. Олинган даромадлар солиқ органларига хабар қилинмайди. Бунда "солиқ бўшлиғи" — солиқ тушумларини назарда тутувчи сумма билан амалда олинган даромад ўртасидаги фарқ юзага келади.

Ҳисобга олинмаган даромадларни тадқиқ этиш солиқ соҳасида турли ўзгаришларга сабаб бўлади.

Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт статистика органларининг талабига кўра, белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топади. Бу ерда давлат миллий статистика тизимида рўйхатга олинмаган даромад суммаси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Рўйхатга олинмаган даромад эса амалдаги умумий даромад билан статистика томонидан қайд этиладиган даромад ўртасидаги фарқдир.

Ҳисобга ва рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ўртасидаги фарқ юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, ғоят шартли. Агар фаолият статистика органлари томонидан рўйхатга олинмаса, у ҳисобга ҳам киритилмайди.

Норасмий иқтисодиёт. У ўз номи билан норасмий. Бу ерда иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунлар, қоидалар, ҳуқуқлар инобатга олинмайди. Норасмий иқтисодиёт норасмий фаолият юритувчи иқтисодий агентлар томонидан олинадиган даромадлар билан ўлчанади.

Илмий жиҳатдан қандай таҳлил қилиниши, ўрганилиши ва қандай баҳо берилишидан қатъи назар, яширин иқтисодиёт бутун мазмун-моҳияти билан иқтисодиётга, жамиятга, давлатга зарар келтирувчи жараёндир. У кўпайган, илдиз отган жойда рақобат муҳити бузилади, шаффофлик ғирромликка йўл беради. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматлар сифати пасаяди. Давлат бюджетига солиқ тушумлари камаяди. Оқибатда иқтисодий ўсишга салбий таъсир этиб, одамларнинг турмуши ёмонлашувига олиб келади. Демак, унга қарши ҳамма баравар курашиши, жамиятдаги қарашлар ўзгариши керак.

Бугун Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлат сифатида дунё иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бизнесни легаллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Лекин шунга қарамасдан, яширин иқтисодиёт тўғри ишлаётган тадбиркорларга катта тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётдан давлат бюджетига 30 триллион сўм, ялпи ички маҳсулотга 135 триллион сўм зарар етгани, деярли 11 мингта корхона (41 фоиз) ҳисоботларида фақат 1 кишини ишчи сифатида кўрсатгани бунинг тасдиғидир.

Хабарингиз бор, Президентимиз қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда тадбиркорлар рейтинги жорий этилиб, юқори рейтингга эга тадбиркорларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмоқда. Иқтисодчи сифатида ушбу тизимни яширин иқтисодиётга қарши чоралардан бири сифатида кўряпман. Нимага? Чунки рейтингнинг асосий мақсади тадбиркорларни ихтиёрий равишда қонунчиликда белгиланган меъёрлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга ундашдир. Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги платформаси солиқ ҳисоботлари, тўланган солиқ суммалари, субъектнинг рўйхатдан ўтган санаси, бошқа органлардан олинган маълумотлар асосида рейтинг автоматик шакллантирилади. Ушбу маълумотлар ҳар куни тадбиркорнинг шахсий кабинети ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади.

Тадбиркорнинг қандайдир камчилиги бўлиб, паст балл олса, дастур нима сабабдан бундай бўлгани ва камчиликлар қандай бартараф этилишини кўрсатиб туради. Бу шаффоф рейтинг бўлиб, тадбиркор ўзи қанча балл тўплагани ва нима учун шу баллни олганини кўриб туради.

Рейтинг, шунингдек, рағбатлантирувчи хусусиятга ҳам эга. Ижтимоий реестр, "Аёллар дафтари"га кирган фуқароларни ишга олган ва улар умумий ходимларининг 10 фоизидан кўпроқни ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбатлантирувчи балл берилади.

Тадбиркорлик субъектларини баҳолашда фаолиятни узоқ давом эттириш, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этиш, солиқларни ўз вақтида ихтиёрий тўлаш каби ҳолатлар асосий роль ўйнайди. Шунинг учун солиқ мажбуриятларини вақтида ва ихтиёрий бажариш рейтингда юқори балл олишни кафолатлайди.

Қисқаси, қонунга итоаткор, ҳалол тадбиркор фаолияти қўллаб-қувватланади. Яъни бизнес вакили фаолияти қанчалик очиқ бўлса, ривожланиб кетаверади. Рейтинг соҳа вакилларининг тўғри ишлашига катта туртки беради. Тўғри фаолият эса иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам фойдалидир.

Яширин иқтисодиётни буткул йўқотиш жуда мушкул. Ҳали ҳеч бир мамлакат бунга эришмаган. Аммо унинг улуши ва таъсирини минимал даражада камайтириш мумкин. Солиқлар оғирми — енгиллаштириш, бизнес бошлаш учун ортиқча тўсиқлар борми — олиб ташлаш, сертификат, рухсатномалар олиш қийинми — осонлантириш — булар яширин иқтисодиёт илдизига болта урувчи омилларнинг асосийларидир.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, қилинажак ишлар ҳуқуқий жиҳатдан асослаб қўйилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг яқинда имзоланган "Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ушбу йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур фармонда яширин иқтисодиёт кўламини кескин қисқартириш орқали мамлакатда соғлом рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсад қилингани диққатга сазовордир. Хусусан, кенг жамоатчиликда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, соҳада жазолов чораларини кучайтириш ўрнига инсофли тадбиркорларни ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омилларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Электрон тижорат тизимини рағбатлантириш, фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки кенг жамоатчилик билан ноқонуний айланмалар ҳамда "соя"даги иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган вазифаларни қадамма-қадам белгилаш, қонунчилик амалиётини таҳлил қилган ҳолда мавжуд жавобгарлик чораларини қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, белгилаш каби масалалар кўзда тутилмоқда.

Муҳими, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт билан муросасизлик масаласи доимий эътибор ва назоратда. Бу шахсан давлатимиз раҳбари томонидан талаб этилмоқда. Бу масала жорий йил 29 январь куни уйжой, коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир бор қайд этилгани сўзимизнинг тасдиғидир. Йиғилишда, хусусан, йўл қурилишида яширин иқтисодиёт улуши юқорилиги, буни назорат қиладиган Транспорт инспекцияси фаолияти сустлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга йўл қурилишида 40 дан зиёд стандарт ва меъёрларни халқаро талабларга мослаштириш вазифаси топширилди. Мамлакатимизда ҳар қандай хуфиёна бизнеснинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Муаммога сабаб бўлаётган омиллар таҳлил қилиняпти. Зарур ҳуқуқий асослар яратиляпти. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта.

Транспорт логистикаси

ЮКЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ЕВРОПАГА ЎН БЕШ КУНДА ЕТИБ БОРАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Брюсселда 29-30 январь кунлари Инвесторлар форуми бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Транскаспий транспорт йўлаги бўйидаги ҳамкор мамлакатлар, халқаро молия институтларининг юқори даражали раҳбарлари, шунингдек, хусусий сектор ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этди.

Форумнинг асосий мақсади Европа Иттифоқи "Global Gateway" ("Глобал дарвоза") дастурининг инвестиция стратегиясига мувофиқ, 15 кун ёки ундан кам муддатда Транскаспий транспорт йўлагини Европани Марказий Осиё билан боғловчи мультимодал, замонавий, рақобатбардош, барқарор, "ақлли" ва юқори тезликдаги йўналиш сифатида ривожлантириш бўйича инвестицияларни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш жараёнини бошлашга қаратилди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, пандемия арафасида дунё транспорт хизматларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги миқдори 4,3 триллион АҚШ доллари (6,9 фоиз) қийматида баҳоланиб, йилига 110 миллиард тонна юк ва 1 триллиондан ортиқ йўловчи ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 миллион кишини ташкил этган. Коронавирус пандемияси ва давом этаётган можаролар туфайли бу кўрсаткичлар анча пасайиб кетди. Халқаро транспорт тузилмаси кейинги пайтга келиб, ўз қаддини аста-секин тиклай бошлади.

Экспертлар фикрича, бугунги кунда Осиё ва Европа ўртасидаги қитъаларо савдо юкларининг 90 фоизи денгиз орқали ташилмоқда. Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган ривожланаётган давлатлар экспорт даромадининг тахминан 18 фоизини транспорт хизматлари учун сарф қилади, ривожланган давлатларда эса бу қиймат 9 фоизни ташкил этади.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси мутахассислари маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт харажатлари кўпинча импорт қилинадиган товарлар қийматининг 70-80 фоизигача етади. Бу эса сўнгги пайтларда Марказий Осиё минтақаси давлатларининг халқаро аҳамиятга молик бўлган транспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришига туртки бермоқда. Қолаверса, божхона тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизгача қисмини беҳуда йўқотмоқда.

Европа Иттифоқи вакилларининг қайд этишича, транспорт алоқасини тараққий эттириш янги бизнес имкониятларини очиш баробарида, Марказий Осиёда минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожланиш воситаси ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Инвесторлар форуми барқарор ривожланишнинг барча жиҳатлари ва "Global Gateway"нинг ишончли коммуникациялари тамойилларига мос келадиган транспорт алоқаларига эътибор қаратмоқда.

— Глобал муаммоларни ҳал қилиш учун яқин ҳамкорлик зарур, — деди ўз нутқида Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Жозеп Боррель. — Миқёсли чақириқлар эса "Global Gateway" муҳим мақсадидир. Марказий Осиё Европа ва Осиё ўртасидаги асосий бўғин ҳисобланади. Европа ва Осиё ўртасида муҳим бўлган ҳамма нарса Марказий Осиё орқали ўтади. Шунинг учун сиз билан ҳамкорлигимиз биз учун жуда муҳим.

Еврокомиссия ижрочи вице-президенти Валдис Домбровскис Инвесторлар форуми очилишида иштирок этаётган Европа ва халқаро молия институтлари Марказий Осиёда барқарор транспорт алоқасини қўллаб-қувватлаш ҳамда сармоя киритиш учун 10 миллиард евро ажратишини маълум қилди. Мазкур сармоя жорий ва режалаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми бўлиб, халқаро ҳамкорлар билан маслаҳатлашувлардан сўнг қисқа муддатда Марказий Осиёда транспортни барқарор ривожлантиришга йўналтирилишини айтди.

Форумда Транскаспий транспорт йўлагини Европа ва Марказий Осиёни боғловчи самарали мультимодал йўналишга айлантирувчи инвестициялар масаласи муҳокама марказида бўлди. Бу инвестициялар, Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантиришга хизмат қилади, ана шунда у орқали юклар 15 кун ичида ўтишига эришилади.

Ўрта йўлак деб ҳам аталадиган Транскаспий транспорт йўлаги Осиё давлатларини Каспий денгизи орқали Европа давлатлари билан боғлайди. Хусусан, у Хитой, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркия орқали ўтади. Бу йўналиш Россия, Беларусь ва Польша ҳудудидан ўтувчи қуруқлик йўналишларига муқобил ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, Евроосиё ҳудудида учта асосий йўлак мавжуд. Унинг шимолий ва жанубий йўналишлари кейинги йилларда минтақада рўй берган зиддиятлар туфайли жиддий муаммоларга дуч келиб турибди. Марказий Осиё йўлагига ҳозирги кунда энг мақбул, хавфсиз

йўналиш сифатида қаралмоқда. Узунлиги 5470 километр масофани ташкил этадиган янги темир йўл магистрали бошқа йўналишларга қараганда анча қисқароқ (ХХР — Монголия — Россия — Беларусь — Европа Иттифоқи (8650 километр), ХХР — Қозоғистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — ЕИ (9120 километр), ХХР — Қозоғистон — Туркманистон — Эрон — Туркия — ЕИ (10 170 километр), ХХР — ЕИ денгиз йўли (10 минг километрдан ортиқ) бўлади.

Форумнинг биринчи кунида умумий миқдори 10 миллиард евро бўлган бир қанча мажбуриятлар қабул қилинди. Европа инвестиция банки (ЕИБ) вице-президенти Тереза Червинска Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ҳамда Қозоғистон Тараққиёт банки билан умумий қиймати 1,47 миллиард евролик англашув меморандумларини имзолади. Ушбу кредитлар Европа комиссияси томонидан тақдим этилган кафолатлар асосида амалга оширилади.

— Бу келишув Ўзбекистон ва қўшниларимиз учун тараққиётнинг янги даврини англатади, — дейди Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев. — Меморандумни имзолаш орқали транспорт соҳасидаги ўзгаришларга йўл очмоқдамиз. Бу ҳамкорлик Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги барқарор транспорт алоқаларини яхшилашга қаратилган умумий мажбуриятимиздир. Ана шу ҳамкорлик туфайли нафақат инфратузилмамиз, балки халқимиз фаровонлиги учун ҳам сармоя киритилади.

Транскаспий транспорт йўлаги лойиҳасини молиялаштиришга қўшимча капитал жалб этилиши кутилмоқда. Пировардида, Марказий Осиёдаги барқарор транспорт лойиҳаларини умумий қўллаб-қувватлаш ҳажми 3 миллиард еврони ташкил этади. Бинобарин, Европа инвестиция банки ушбу соҳада кўп йиллар давомида глобал тажрибага эга бўлиб, сўнгги ўн йил мобайнида бутун дунёда 136,5 миллиард евролик транспорт лойиҳаларини молиялаштирган. Эндиликда бу тажриба Марказий Осиёдаги ҳамкорлар билан ишлашда ҳам қўл келади.

— Транспорт замонавий иқтисодиётнинг таянчи бўлиб, қатновни осонлаштиради ва минтақа мамлакатлари ўртасида товарлар, капитал ҳамда хизматлар алмашинувини таъминлайди, — дейди ЕИБ вице-президенти Тереза Червинска. — Бундан ташқари, барқарор транспортга сармоя киритиш иқлим ўзгаришлари таъсирини бартараф этиш ва транспорт тармоқларини янада мустаҳкамлаш учун калит ҳисобланади.

Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинаснинг эътироф этишича, Инвесторлар форуми Европа ва Марказий Осиёни тез ҳамда хавфсиз тарзда боғлайдиган Транскаспий транспорт йўлаги бўйича ишларни бошлаш учун ҳар икки минтақа давлат ва хусусий инвесторларини бирлаштирган ҳамкорликдаги муҳим босқичдир. Бу улкан транспорт тармоғи иқтисодий ўсишга, маҳаллий иш ўринлари яратишга ва минтақавий интеграцияга ҳисса қўшади.

Минтақадаги барча мамлакатлар билан чегарадош бўлган Ўзбекистон наинки қўшни давлатлар, балки Шарқий Осиёни Жанубий Осиё, Яқин Шарқни Кавказ ва ундан кейин Европа билан транспорт тармоғи орқали бирлаштириш салоҳиятига эга. Қолаверса, Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши Хитой, Қозоғистон, Каспий денгизи, Озарбайжон, Грузия, Туркия, Қора денгиз ва ундан кейин Европа давлатларига ўтади. Унинг асосий бўғини бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг умумий узунлиги 454 километрни ташкил этади. Жорий йилда унинг қурилиши бошланиши мўлжалланган.

Лойиҳанинг амалга оширилиши Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларигача бўлган йўлни тахминан 900 километрга, юк етказиб бериш муддатларини эса 7-8 суткага камайтиради. Дастлабки тахминларга кўра, юк ташиш ҳажми йилига 12-15 миллион тонна атрофида бўлади.

Магистраль Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистонни Каспий денгизи портлари ва ундан кейин Европа билан, келгусида эса Трансафғон темир йўли орқали Покистон ва Ҳиндистон портлари билан боғлашига ҳам хизмат қилиши мумкин.

Президентимиз ўтган йил ноябрь ойида Озарбайжон пойтахтида бўлиб ўтган БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастурининг саммитдаги нутқида Ўзбекистон Транскаспий мультимодал йўлаги бўйича маълумот ва ҳужжатлар алмашиш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш тарафдори эканини қайд этганди. Бу борада келгуси йилнинг бошида юртимизда транспорт вазирлари, логистика компаниялари, юк ташувчилари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда соҳанинг етакчи экспертлари иштирокида "Рақамли транспорт йўналишлари" халқаро форумини ўтказишга тайёрлигини билдирганди.

Мамлакатимиз Трансафғон йўлаги ҳисобланган "Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли лойиҳасига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Мазкур йўлакнинг аҳамиятига келганда, у Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Афғонистонни Покистон ҳамда Ҳиндистон портларига олиб чиқишда муқобил темир йўлга айланиб, айни пайтда фаолият кўрсатаётган "Шимол-Жануб" йўлагига нисбатан 500-600 километр қисқароқ ҳисобланади.

Алқисса, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" ва "Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон" транспорт йўлаклари бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши илк бор Жанубий Осиё мамлакатлари темир йўлларини бутун Евроосиё, шунингдек, ШҲТ мамлакатлари темир йўллари билан боғлаш имкониятини юзага келтиради. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи, Россия, Қозоғистон, Хитой, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва ундан кейин Жануби-шарқий Осиё давлатлари ўртасида транспорт кўприги вазифасини ўтайди. Мазкур йўналишларнинг ривожланиши Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширади.

Муносабат

ЎЗАРО ТАЪЛИМ, МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Алишер УСМОНҚУЛОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Дўстлик сари ташланган қадам ўзаро ишонч, ҳалол муносабатларга асослангандагина мустаҳкамланиб боради. Ўзбекистон кейинги йилларда хорижий давлатлар учун кенг очилар экан, айни мана шу тамойилларни маҳкам тутди. Дунё халқлари билан нафақат шериклик, балки дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, биргаликда ривожланишга интилмоқда. Бугун мамлакатимиз кўплаб давлатларнинг ишончли дўсти, манфаатли шериги, истиқболли ҳамкорига айлангани боиси шунда.

Айниқса, Хитой Халқ Республикаси кўплаб соҳаларда асосий шерикларимиздан саналади. Бир вақтлар Буюк ипак йўли ўзаро яқинлаштирган икки давлат йўллари бугун ҳам мустаҳкам боғланган. Хусусан, миллий иқтисодиётимизда ушбу давлатнинг улуши юқори. Маълумотларга кўра, 2017-2022 йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлашнинг умумий ҳажми 4,7 миллиард доллардан 8,9 миллиард долларга етиб, 1,9 баробар ошган. Эътиборлиси, бу борадаги ўсиш кўрсаткичи ўтган йили янада тезлашди ва 14 миллиард долларга етди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23-25 январь кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ҳам ана шу дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ташриф дунё эътиборида бўлиб, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Боиси, олий даражали учрашувлар давомида икки давлат ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда иқтисодий ҳамкорликдан тортиб, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, транспорт ва бошқа қатор соҳалар қамраб олинган.

Биз Хитой давлатига йиллар давомида асосан, савдо-иқтисодий ҳамкор сифатида қараганмиз. Аммо кейинги вақтларда камбағалликни қисқартиришдан тортиб, илм-фан, инновациялар, илғор технологиялар соҳаларида ушбу мамлакат тажрибаси кенг ўрганилиб, юртимиз амалиётида қўлланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон Хитойнинг ҳар томонлама ижтимоий адолатга эришиш, тобора кўпроқ аҳолини қашшоқликдан олиб чиқиш ва ўрта синфни кўпайтириш, шу орқали умумбашарий фаровонлик ва тенгликка эришиш борасидаги тажрибасига жиддий қизиқиш билдиради.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ёнма-ён

Мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги, айниқса, жадал ривожланаётган йўналишлардан бири бўлмоқда. Хитой кейинги йилларда Ўзбекистон учун турли касблар бўйича 6500 дан зиёд мутахассис тайёрлаб берди. Юртимиз олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида мутахассисларни Хитойда ўқитиш, уларнинг тажрибасини ўрганиш фаоллашиб боряпти.

Жиззах политехника институти ҳам 2022 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Биргаликда институтда муқобил энергияларни тадқиқ этиш илмий-амалий маркази ишга туширдик.

Гап шундаки, юртимизда муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш панелларига талаб ортиб боряпти. Бундай қурилмаларни ўзимизда ишлаб чиқариш хориждан олиб келишга нисбатан анча арзонга тушади. Маҳаллийлаштириш ишлари эса илмий тадқиқотларсиз бўлмайди. Шу боис, ўтган йилнинг 10 февралида давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи якунлари бўйича Жиззах политехника институти олимлари ва талабалари билан биргаликда Жиззах ёшлар технопаркида кремний асосидаги қуёш панелларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш вазифаси белгиланган эди. Технологияни ўрганиш мақсадида институтнинг 3 нафар профессор-ўқитувчиси Хитойда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Улар Хитойдаги “Jingkou Jinchen Machinery Co., Ltd.”, “Argus-Sanik”, “Shanxay Saniong”, “Wuhan Ooitech Trading Co., Ltd” компанияларининг ишлаб чиқариш цехларида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита танишди. Мазкур компанияларда ишлаб чиқарилаётган қуёш панелларини ишлаб чиқариш линиясининг нархи ва сифати ўзаро солиштириб кўрилди. Якунда “Wuhan Ooitech Trading Co., Ltd” компанияси билан шартнома имзоланиб, умумий қиймати 348 минг доллар бўлган ускуналар институтга олиб келинди. Улар ажратилган бинога ўрнатилиб, зарур инфратузилма билан ҳам таъминланди.

Замонавий қурилмани харид қилишдан олдин профессор-ўқитувчиларимиз ушбу корхонада 2 ой давомида илмий ўрганишлар олиб борди. Амалиёт давомида техник изланишлар давом этиб, бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам иштирок этишди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 2023 йилнинг декабрь ойи охирида институт тарихида илк бор муқобил энергияларни тадқиқ этиш илмий-амалий маркази расман иш фаолиятини бошлади. Дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, тегишли тартибда тест жараёнларидан ўтказилди. Олинган натижалар ҳам кутганимиздек ижобий бўлди.

Ҳозирги кунда хомашёнинг бир қисми Хитойдан олиб келиняпти. Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида “Wuhan Ooitech Trading Co., Ltd” компанияси билан умумий қиймати 70 минг 418 доллар бўлган хомашё олиб келиш бўйича шартнома тузиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўзимизда маҳаллийлаштириш жараёнлари ҳам кетмоқда. Келгусида алюминий рамка, ламинация плёнкаси, қуйдирилган органик ойна, контакт симлари, елим ва улаш кабеллари локализация қилиниши режалаштирилган.

2023 йил февралидан бошлаб Хитойнинг Нанкин институти ходимлари томонидан олий ўқув юртимиз талабаларига транспорт логистикаси йўналиши бўйича онлайн ва офлайн дарс машғулотлари ўтиш йўлга қўйилди. Сентябрь ойидан эса ўзаро ҳамкорлик асосида институтимиз қошида Нанкин олийгоҳининг электромобиллар сервиси ва эксплуатацияси йўналишлари ташкил этилди. Ўтган йили ноябрь-декабрь ойларида Нанкин институтининг бир неча профессор-ўқитувчиси таълим даргоҳимизга келиб, талабаларга машғулотлар ўтди.

Тарихий форум

Икки давлатнинг таълим, илм-фан соҳасидаги ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани қувонарли. Жорий йилнинг 22-24 январь кунлари Хитойда ўтказилган Хитой — Ўзбекистон таълим форуми ҳам мамлакатларимиз ОТМлари тарихида жуда катта из қолдирди. Мазкур форумда иштирок этар эканмиз, дўстона муносабатларимиз янги ҳамкорликларга йўл очганидан қувондик. Хусусан, форум дастури доирасида Шимолий Хитой технология университети ҳамда Чангшу технология университети билан англашув меморандумларини имзоладик. Тяньцзин провинциясида бўлиб ўтган учрашувда институтимиз ҳақида маъруза қилиб, ўқитишнинг самарали технологиялари, ишлаб чиқариш имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот бердик. Натижада Тяньцзин хорижий тиллар университети билан меморандум имзоланди. Тяньцзин политехника университети, Нанкин политехника университети, Нанкин транспорт ва техника институти вакиллари билан учрашиб, ҳамкорлик қилиш ҳақида фикр алмашилди. Тадбиркорлар ва инвесторлар билан ўтказилган мулоқотларда ҳам келажакда ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Умуман, йирик форумда “Ўзаро таълим, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва Ўзбекистон — Хитой таълим ҳамжамиятини биргаликда қуриш” доирасида юқори академик алмашинув ва олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида музокаралар ўтказилди. Аҳамиятлиси, форум аввалида икки давлатнинг олий таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги Пекин декларацияси имзоланди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон ва Хитой олий таълим муассасалари ўртасида алмашинув механизмини йўлга қўйиш, “Ўзбекистон — Хитой университетлари уюшмаси”ни тузиш, юқори сифатли рақамли таълим бўйича ҳамкорлик, уюшмага аъзо университетлар ўртасида иқтидорлиларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар, кадрлар алмашинуви, инновацион ҳамкорлик механизмларини доимий равишда кучайтириш ҳамда Ўзбекистон — Хитой олий таълим тараққиёти ва ривожланишига биргаликда ёрдам бериш каби масалалар устуворлик қилади.

Демак, келгусида икки мамлакат ўртасидаги олий таълим борасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, жараёнда инновацияларни кучайтириш, “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг ривожланишига ҳисса қўшиш, юқори сифатли таълим ресурсларини биргаликда ишлаб чиқиш, халқаро ёзги мактаблар ва ёзги оромгоҳларни ташкил қилиш, асосий орган сифатида талабалар билан маданий алмашинувни кучайтириш ва инсоният учун умумий келажакка эга бўлган ҳамжамиятни қуриш ҳамда Ўзбекистон ва Хитой таълим тараққиётини янада юксалтириш сингари асосий вазифалар амалга оширилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги бундай мулоқотлар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади ва келажакда янада самарали натижаларга эришишга кенг имкониятлар яратади.

Илм-фан

ИЛҒОР ТАЖРИБА ПЛАТФОРМАСИ

инклюзив муҳит ва академик хилма-хиллик

Феруза МАДРАҲИМОВА,
педагогика фанлари доктори

Урганч давлат педагогика институтида Хитой олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида қатор салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Хитойнинг Нанкин технологиялар, Ланжоу транспорт, Шенси ва Шинжон педагогика университетлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланган.

Институт ва мазкур университетлар ўртасидаги ҳамкорлик ўтган йили 25 ноябрдан бошланган эди. Бир неча вакилимиз билан Хитойнинг турли ҳудуд ва шаҳарларида хизмат сафари чоғида Гуансу, Гансу вилоятлари ва Нанкин шаҳридаги олий таълим муассасалари ректорлари билан соҳа ва йўналишлар бўйича музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Фангченгганг, Наннинг ва Ланжоу шаҳарларида ташкил этилган халқаро форумларда ҳам иштирок этдик. Ушбу сафарда Ланжоу транспорт ва Нанкин технологиялар университетлари билан келишувга эришилди. Мақсадимиз қизиқиш муштарак соҳаларни аниқлаш ва келгусидаги ҳамкорлик учун пойдевор қўйиш эди.

Кейинчалик Хитойга ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган навбатдаги хизмат сафаримиз ҳам институт учун халқаро майдонда ўзаро манфаатли муносабатларга янада кенг йўл очиб берди. Бу гал Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном ҳудудидаги Урумчи шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Хитой минтақаларо форумида қатнашдик. Унинг доирасида кўплаб ОТМлар билан ҳамкорлик масалаларида музокаралар ўтказдик. Жумладан, Шенси ва Шинжон педагогика университетлари билан меморандум имзоланиб, илмий ва ўқув йўналишларида қатор амалий ишлар режалаштирилди.

Жумладан, академик алмашинув дастурлари бўйича ҳамкорлик Урганч давлат педагогика институти ва Хитой университетлари ўртасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар алмашинувини қўллаб-қувватлайди. Ушбу ташаббус иштирокчилар ўртасида маданий тушуниш, тилни билиш ва академик мукаммалликка қаратилган. Қўшма тадқиқот ташаббуслари эса профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг таълим, технология, инновацияга оид тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутади.

Бу ўринда тил ва маданият дастурларининг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди. Тил ва маданий алмашинув бўйича келишувлар тил ўрганиш дастурлари ва маданий-маърифий тадбирларни ўз ичига олади. Бу ўзаро маданиятларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, инклюзив ва хилма-хил академик муҳитни ривожлантиради. Қўшма конференция ҳамда семинарлар ташкил этиш орқали ҳар икки томон олимлари ва экспертлари учун тадқиқот натижалари, инновацияларни ўртоқлашиш учун платформа яратилади.

Урганч давлат педагогика институти ва Хитой олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик глобаллашган таълимга интилишда муҳим босқич бўлди. Имзоланган меморандумлар кўп қиррали шерикликка асос бўлиб хизмат қилади. Глобал ёндашувни қўллаш орқали турли соҳаларда янги кашфиёт ва ютуқлар учун имкониятлар яратиб, халқаро илмий ҳамкорлик учун йўл очади. Келгусида ушбу ОТМлар билан академик ва илмий соҳаларда ҳамкорликни, профессор-ўқитувчилар алмашинуви, стажировкаси ва малака оширишини йўлга қўйиш, таълим соҳасидаги тажрибаларни ўрганиш, илмий дастур ва лойиҳаларни ташкиллаштириш, талабалар алмашинувини жорий этиш режалаштирилган. Шунингдек, хорижий филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун иккинчи тил сифатида хитой тилини ўқитиш ҳамда ушбу ОТМлардан Урганч давлат педагогика институтида шартнома асосида ишлаш учун профессор-ўқитувчилар жалб этиш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу келишувлар икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим платформа вазифасини ўтайди.

Иқтидорли ёшлар — мамлакат келажаги

Ҳар гал кулол дастгоҳини кузатсак, болалигимиз ёдимизга тушади. Анҳор қирғоғида лойдан ўзимиз севган бирор эртак қаҳрамонини берилиб, меҳр билан ясашга ҳаракат қилар эдик. Айниқса, турли миноралар, одамлар, чекич уриб ясаган патирларимизни офтобга териб қуритган чоғларимиз инсон ўз қўли ва меҳнати билан яратган ҳар қандай нарса қадрли бўлиб қолишини юракдан ҳис этганмиз.

Ў сеҳргар экан...

“Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори, асли риштонлик ёш кулол Темурбек Ҳайдаровнинг ижодхонасига кириб борар эканмиз, яна ўша афсоналар сурури ва қуёшли ҳаёт тафтини ҳис қилдик. Темурбек айни пайтда Фарғона давлат университети санъатшунослик факультетининг 3-босқич талабаси.

— Дадам уста кулол Тоҳиржон Ҳайдаров мени илк бор кулолчилик дастгоҳига ўтқазиб, қўлимга лой тутқазганида 12 ёшда эдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Ўшанда илк бор лойдан пиёла ясаб, дадамга кўрсатганман. Энг қизиғи, дадам туманимиздаги таниқли кулоллардан бири бўлишига қарамай, мени кулол Одилжон Ниғматовга шогирдликка берган. Кўҳна ҳунарлардан ҳисобланган бу соҳада меҳнат қилаётган ижодкор битта йўналишда тўхтаб қолмасдан доимо изланишда бўлиши керак. Шунда у яратган хилма-хил асарлар инсонларга ўзгача маънавий озуқа ва илҳом беради. Соҳанинг яна бир устаси Шарофиддин Юсупов ҳам кулолчиликнинг кўплаб сир-синоатларидан бохабар бўлишимда, астойдил ўрганишимда мени қўллаб-қувватлаган, устозлик қилган.

Уста кулол Ҳайдаровлар Жалойир маҳалласида истиқомат қилади. Маҳалла аҳли бу хонадондаги катта кутубхонадан хабардор. Шу боис, бирор бадиий асар ўқигиси ёхуд бирор муаммога ечим топгиси, жўяли маслаҳат олгиси келган одам борки, хонадон эшигини тақиллатиб келаверади. Икки мингдан ортиқ бадиий китоб жамланган бу маскан чиндан ҳам ҳар инсон қалбига ўзгача ҳарорат ва муҳаббат бахш этади. Бу китобларни Тоҳиржон ака ва ўғиллари биргаликда мутолаа қилиб, қизғин фикр-мулоҳаза алмашадики, ҳатто дастурхон атрофида жам бўлишганида ҳам муҳокама давом этади.

“Ҳай, овқат совиб қолди-я, болаларим”, дея момоси танбеҳ бермагунича қизғин мунозара давом этаверади. Аслида, кулолчилик ҳам бадиий ижод билан боғлиқ нозик ҳунар ҳисобланади. Юксак хаёлот оламига эга бўлмаган инсон қалбида янги ғоя туғилмайди-да...

Темурбек биз билан суҳбатлашар экан, кафтида авайлабгина тупроқни эзғилаб ўзи яратган ижод маҳсулларининг муҳим жиҳати ҳақида сўзлай бошлади:

— Юртимизда бизга ўхшаб кулолчилик билан шуғулланадиган ҳунармандлар кўп. Лекин бу ҳудуднинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари бор. Аввало, Риштон тупроғи кулолчиликка жуда мос. Одамларнинг томорқасидан кетмонда кавлаб олинган оддий қизил тупроқни сотиб олиб, майда чиқиндилардан тозалаб, улардан кулолчилик маҳсулотларини яратамиз. Масалан, лаганларга машҳур шоирларнинг суратлари ёки ғазал, шеърларидан намуналарни нина ёрдамида чизиб, уни оловда пишириб оламиз. Сўнг ранг берамиз. Бу усул жуда узоқ меҳнат талаб қилади. Масалан, битта лаганга қалам билан сурат чизганда бир-икки кун вақт кетса, бу усулда энг камида бир ҳафта-ўн кун вақт сарфланади. Ишни сифатли бажарганимиз учун яратган санъат асарларимизга талаб юқорилигидан мамнунмиз.

Айни пайтда ёш кулол Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги шажараларини ярим метрли лаганларга чизиб, уй-музейида сақламоқда. Унинг таъкидлашича, лагандаги суратлар ва ёзувлар хотирада узоқ сақланиб қолади.

— 2021 йил мен учун жуда омадли келди. Июнь ойида Президентимиз қарорига кўра, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Болалигимдан дадам “Эр киши, аввало, ўз юртига хизмат қилиши, халқининг эътирофига сазовор бўлиши керак. Қолган барча ютуқларнинг қадри ана шу эътироф билан ўлчанади”, дея кўп таъкидлайди. Мукофотни тақдим этишаётганида бу эъзоздан нафақат шодландим, балки елкамга жуда катта ва залворли масъулият юкланганини ҳис қилдим.

Қаҳрамонимиз худди шу йили университет талабалари ўртасида ўтказилган фан олимпиадасида “Амалий санъат ашёларида ишлаш” йўналиши бўйича ҳам совриндор бўлди. Қолаверса, Испанияда “Декоратив ҳунарманд” йўналиши бўйича ўтказилган танловда 2-ўринни қўлга киритди. 2020 йилда эса Италияда ўтказилган халқаро танловда “Бадиий кулолчилик” номинацияси бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланган.

— 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши биз — ёш ҳунармандлар қалбига ўзгача шижоат ва илҳом бағишлади, — дейди Темурбек фикрини давом эттирар экан. — Айни пайтда Италия, Испанияда ҳам ижодимизга қизиқадиган мухлислар кўпчиликни ташкил қилади. Туркия билан ҳам яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз. 2019 йил Қўқон шаҳрида ўтказилган “Халқаро ҳунармандчилик” фестивалида туркманистонлик ижодкорлар билан шартнома тузиб, у ерда ҳам Риштон кулолчилигини ривожлантиришга астойдил бел боғладик. Мақсадимиз Риштоннинг оддий қизил тупроғидан ясалган кулолчилик маҳсулотларини бутун дунёга тарқатиш, устозлардан ўрганганларимизни шогирдларимизга ҳам етказишдир.

Агар йўлингиз тушиб, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабига бориб қолсангиз, йигит-қизлар дарҳол сизни кулолчилик тўгарагига бошлаб киради. Чунки бу тўгарак аъзолари ясаган бир-биридан гўзал ижодий намуналар ҳар қандай инсон қалбига ўзгача фараҳ бахш этади. Кейинги пайтларда тўгарак аъзолари ижтимоий тармоқларда ҳам ўз маҳсулотларини муваффақиятли намойиш этиб, ҳатто хорижий давлатлардаги савдосини ҳам ривожлантиришга эришмоқда.

— Музей-устахонамизга хориждан тез-тез меҳмонлар келиб туради, — дейди суҳбатдошимиз. — Бир куни АҚШдан келган меҳмонлардан бири мен ясаган кўзалар ва лаганларда акс этган нақшларни кўриб, “Сен афсоналар яратувчи сеҳргар экансан-ку! Бир асаринг билан мени мафтун этиб қўйдинг. Ўзбек тилини тушунмасам ҳам мана шу нақшларга қараб қалбингни англаб, ҳис қилиб турибман”, деди. “Нималарни тушунганингни айтиб бер-чи”, дедим қизиқишим ортиб. “Бу афсоналар тинчлик, муҳаббат, оқибат, дўстлик ришталаридан яралган бетакрор дунё, яъни чин инсоний олам афсоналаридир”, деди у жилмайиб. Унинг сўзларидан шунчалар қувондимки, кўпчилик қадрлайдиган, эътироф этадиган ноёб ҳунарни ўргатган ота-онамдан чексиз миннатдор бўлдим.

Она тупроқнинг ҳар заррасидан афсона яратиб, умр лаҳзаларини бир ҳикмат янглиғ безаётган замондошимиз билан хайрлашар эканмиз, унга чиндан ҳавас қилдик. Ким билади дейсиз... орадан неча асрлар ўтса-да, ўз ҳақиқатларини бағрида асраб келаётган қадим битиктошлар каби бу асарлар ҳам эл-юртимиз тарихи ва маданиятидан, янги Ўзбекистоннинг бугунги кунидан дунё аҳлига сўзлаб, дилларга завқ, ҳайрат бағишласа, ажаб эмас.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Алишер Навоий фахрия усули билан унга отаси Султон Ҳусайн Бойқаронинг дин ва дунё илмида маъно топганини, устунлигини эслатар экан, унинг ҳукмронлиги даврида Хуросон давлатида бадиий адабиёт, илм-фан, санъат ва иқтисодий ҳаётнинг кўплаб соҳалари тараққий этганига ишора қилган. Шоҳ Ғариб Мирзодан камтарлик ва умид туйғуси билан ўзини ҳам дуода ёд ва фотиҳада шод қилишини сўраган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 2 февраль, 24-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Беҳруз Ражабов олган сурат.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни

Нафьинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафь ўзунгга кўпракдурур.

“КИШИДАН ЯХШИ ОТ ҚОЛҒАЙ ЖАҲОНДА”

ёхуд ёшларни ватанпарварликка, илмни пухта эгаллашга, касбда камол топишда ғайрат қилишга ундайдиган насиҳатлар баёни

Буробия РАЖАБОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода Алишер Навоий ўз асарларида Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларга алоҳида фасл ва боблар бағишлаган, хабарлар битган. Мутафаккир уларда маълум бир маънода ўзининг боқий фикрлари, миллий ва умумбашарий ғояларини тараннум қилади. Мазкур мақолада шундай боблардан бирига ижтимоий фикр ва поэтик талқин аспектида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

Ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг 53-бобини Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шоҳ Ғариб Мирзога бағишлаган. У бобга “Салтанат шажарасининг самараси ва хилофат боғининг шажараси, ҳидоят авжида манзил этган, тамаллуқнинг ниҳоятиға етган, риё қасри бунёдин қўнқорғон, балоғат айвонида от чиқорғон, яъни султонзодаи олам Абулфаворис Шоҳ Ғариб баҳодир халлада давлатуҳу мадҳида бир неча сўз сурмак ва насиҳатомиз нукталар арзға тегурмак, умид улким бу шоҳвор дурларни туфроғдин олғай ва адосида қулоқ солғай, балки ул гаронмоя гавҳарларни қулоққа солғай”, деб навоийона услубда сарлавҳа қўйган.

Сарлавҳада айтилганидек, боб мавъиза, дидактик характерга эга бўлиб, Алишер Навоийнинг мазкур бобни “насиҳатомуз нуқталар” дея изоҳлашига сабаб шуки, Шоҳ Ғариб Мирзо унинг сўзларига қулоқ солишига умид билдирган. Демак, бобда баён қилинган мавъиза бир шахс, яъни давлат арбобига аталгани боис, уни умумга эмас, балки якка шахсга қаратилган ўгитлар туркумига киритиш мумкин. Албатта, бу тасниф ҳам нисбийдир. Бобнинг айрим ўринларида умум манфаати ҳам назарда тутилгани сезилади. Умуман, Ҳазрат Навоий мазкур бобда Шоҳ Ғариб Мирзони давлат ва мамлакат тақдирига дахлдор шахс сифатида тасвирлагани очиқланган.

Абулфаворис Шоҳ Ғариб Мирзо жисмида нуқсон бор эди, тарихий маълумотларга қараганда, у букри бўлган. Шунингдек, у Ғарибий тахаллуси билан ўзбек, форс тилида шеърлар битган, Навоий ғазалларига ҳам таъсирли татаббулар ёзган, девон (Германиянинг Гамбург миллий кутубхонасида сақланади) тузган, отаси Султон Ҳусайн Бойқарога салтанат ишларида ёрдам берган, яъни султон сафарда бўлган вақтларида шаҳзода пойтахт Ҳиротни, маълум маънода мамлакатни ҳам бошқарган. У шоҳнинг бошқа ўғиллари каби маишатга берилмаган, ўз даврининг муҳим илм-фанларини пухта эгаллаган, адолатни баланд тутган ҳамда илм-маърифат ва ҳунар аҳлига ҳиммат кўрсатган.

Шоҳ Ғариб Мирзо Алишер Навоийнинг ўта қобилиятли замондошларидан бири ҳисобланади. Мутафаккир шоир Шоҳ Ғариб Мирзога умид боғлаган ва унга ихлоси жуда баланд бўлган. Буни мазкур боб мазмунидан ёхуд “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг 7-мажлисидан билиш мумкин. Шоир адабиёт, санъат ва маданиятга ҳомийлик қилган ёки ижод билан шуғулланган 21 нафар темурий қаторида унга махсус фиқра ёзган ва уни “Девон ҳам жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бу мухтасарға сиғмас, магар яна бир китоб битилгай”, дея юксак шарафлаган.

Тўртинчи насиҳатида Алишер Навоий шаҳзодани илмли бўлишга чақирар экан, очиқ ва яширин талмеҳ санъати воситасида Арасту, Суқрот, Фишоғурс, Луқмон каби ҳакимлар маслаҳати билан кенгаш асосида давлат бошқарган шоҳ Искандарни ёдга олади.

Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Боб аввалида Алишер Навоий рамзий маънода Жаҳон боғи ва унда ўсувчи юз хил гуллар ранги, файзи ҳақида сўз очар экан, Шоҳ Ғариб Мирзони гўё шу боғнинг бир гулига қиёслайди. Муаллиф “Бори шоҳлар фасиҳи Шоҳ Ғариб ул”, дея уни юксак эътироф билан ўқувчига таништиради:

Ғариб ўлғай ниҳоятдин зиёда,
Бу янглиг гулким ўлғай шаҳзода.
Қаю шаҳзода ул кони малоҳат,
Такаллум вақти дарёйи фасоҳат.
Фасоҳат бобида шоҳга қариб ул,
Бори шоҳлар фасиҳи Шоҳ Ғариб ул.

Ҳазрат Навоий темурий шаҳзодани бадиий маҳорат билан янги ойга ва шеърий санъатлардан унумли фойдаланган. Шуниси эътиборга моликки, боб образларга жуда бой. Унда Шоҳ Ғариб Мирзога айтган насиҳатларини муаллиф энг узоқ умр кўрган Нуҳ пайғамбар, Муҳаммад (с.а.в), шунингдек, Ажам шоҳлари, шоҳ Искандар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро каби тарихий шахслар орқали етказади. Бундан ташқари, фалоний образи сифатида биров, олим, ҳакимлар, юз минг хирадманд, дин уламолари, табиб, муаррих, муҳаддис, огоҳлар, шоҳ, огоҳ шоҳ, улус, соқийларни тилга олади. Бобнинг тили содда, поэтикасида эса муаллиф нутқи устун, ибтидосидан интиҳосига қадар муаллиф нутқи билан баён этилади.

Биринчи насиҳат улуғ мутафаккирнинг қутлуғ дуоси, нек ниятига йўғрилган тарзда ифодаланган. Байт шоҳбайт характерида бўлиб, ҳикмат нафақат Шоҳ Ғариб Мирзога, балки маълум маънода олам аҳлига, келажак авлодга қарата айтилган, деб баҳолаш мумкин. Бу ўринда Алишер Навоий қўллаган *“касби камол эт”* тамойили қитъаларидан бирида ҳам бадиий талқин қилинган. Бобда *“касби камол эт”* тамойили шу тариқа ифода қилинади:

Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Иккинчи насиҳатда эса Ҳазрат Навоий ўз вақтида таълим-тарбияга ғайрат ва рағбат кўрсатмай, балки ўзининг ғафлати, бефарқлиги оқибатида инсонда пайдо бўлган хижолат, хижолат бўлиш каби салбий хислатдан огоҳлантирган. “Насойим ул-муҳаббат”да вақтни сармоя деб билган Алишер Навоий вақт қадри ҳақида ҳам эслатгандек бўлган:

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм аҳли оллинда хижолат.

Учинчи насиҳатини у ҳадис асосида баён қилган, гўё Румийнинг “Ҳушёрларга беринг дунёни” деган ҳикмати маъносини англаган шахс, яъни ҳаётда огоҳ инсон, огоҳ шоҳ бўлишга чақирган:

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис,
Ки, олим келди пайғамбарга ворис.

Эрурсен шоҳ — агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен.

Тўртинчи насиҳатида Алишер Навоий шаҳзодани илмли бўлишга чақирар экан, очиқ ва яширин талмеҳ санъати воситасида Арасту, Суқрот, Фишоғурс, Луқмон каби ҳакимлар маслаҳати билан кенгаш асосида давлат бошқарган шоҳ Искандарни ёдга олади. Унинг қуёшнинг чиқишидан то қуёшнинг ботишигача бўлган ҳудудларни, яъни “баҳру барни” эгаллаганига ишора қилган:

Сикандар топти чун илму ҳунарни,
Не янглиг олди кўргил баҳру барни.
Анингдек салтанат аҳли кўп эрди,
Қаю бирга бу навъ иш даст берди.
Ики минг йил ўтуб юз минг хирадманд,
Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд.

Улуғ шоир Шоҳ Ғариб Мирзони илм ўрганишга даъват қилар экан, очиқ талмеҳ воситаси билан Темурхоннинг суюкли набираси Мирзо Улуғбекни эслайди, унинг илми олдида “осмон пастлиги”, расадхонаси “зеби жаҳон”, “яна бир осмон” эканини тўлқинланиб ёзган. Билим ҳукмдорларга зийнат эканини куйинчаклик билан баён этган. Шу ўринда тасвир ва тасаввур аниқ бўлиши учун Улуғбек илмий фаолияти ёртилган лавҳани тўлиқроқ эслаб ўтайлик. Эътибор беринг-а...

Темурхон наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори тортти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний
Ки, андин ёзди “Зижи Кўрагоний”.
Қиёматга дегинча аҳли айём,
Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком.
Билик гарчи кўрунур кўзга зийнат,
Вале шаҳларга бордур ўзга зийнат.

Бешинчи насиҳатида Навоий Шоҳ Ғариб Мирзога ўз даврининг илғор, тараққийпарвар кишилари каби диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаши зарурлигини тушунтирган. Жам ва тақсим санъати воситасида фиқҳ, ҳадис, тафсир илмини бир мисрада ёки тиб ва ҳикмат илмини бирга қўллаган:

Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,
Эрур фиқҳу ҳадису сўнгра тафсир.
Чу такмил ўлди бу уч илм сен бил,
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

Тиб ва ҳикмат илми инсон саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, ҳатто Аллоҳ амрларини тўкис бажариш учун ҳам зарурлиги уқтирилади. Алишер Навоий гўё соғлом жисм, соғлом руҳ, соғлом қалб тамойилини баён қилгандек бўлади:

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб
Ки, сиҳҳатдур киши жисмида матлуб.
Қаю жисмеки онинг сиҳҳати йўқ,
Қилурга Тенгри амрин қуввати йўқ.

Бобда ҳам ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида сиёсий ҳушёрлик ва ўтмишдан, хусусан, тарихда ўтган ҳукмдорлар фаолиятидан ибрат олиш учун ҳукмдорлар тарих фанини ўрганиши зарурлиги хусусида ҳам ёзган ҳамда тарих варақларида яхши ёки ёмон ном қолдирган Ажам шоҳларидан Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳоклар номини қиёсий аспектда тилга олган:

Равон тарих сори рағбат айла,
Салотин бирла азми суҳбат айла.
Жаҳондин кўрки кимлар ком олибдур,
Бу эски дайр кимлардин қолибдур.

Шунингдек, бобда айтилган боқий фикрлардан бири инсоннинг мазмунли ва ибратли умри хусусида бўлиб, инсондан яхши от, яхши ном қолиши унинг иккинчи умри эканини эслатишидир:

Қаю фанким шуруъ этмаклик онда,
Кишидин яхши от қолғай жаҳонда.

Алишер Навоий олға сурган яхши от, эзгу ном концепциясига адиб Ойбек ҳам “Навоий” романида диққат қаратган. Романда улуғ мутафаккирнинг Унсия номи билан машҳур қароргоҳида укаси Дарвеш Али билан яхши от, эзгу ном ҳақида суҳбат қургани ва укасига насиҳатлар айтгани бадиий талқин қилинади.

Шоҳ Ғариб Мирзони Алишер Навоий Ҳақ амрига амал қилишга ундаган. Унга Нуҳ умрини тилаган ҳамда билдирган нек ниятига далил қилиб тамсил бадиий санъати воситасида аҳли ҳикмат тилидан “Ёмондин оз беҳким, яхшидин кўп” деган ҳикмат билан қуйидаги байтни ёзган:

Бу сўзни аҳли ҳикмат деб дурур хўб,
“Ёмондин оз беҳким, яхшидин кўп”.

Яна унга ҳам фақиҳ, ҳам табиб, ҳам муаррих, ҳам ҳаким, ҳам давлат арбоби тилидан таъсирли насиҳатлар битган ва “олам ичра яхши от” эзгу ном концепциясини олға сурган.

Алишер Навоий фахрия усули билан унга отаси Султон Ҳусайн Бойқаронинг дин ва дунё илмида маъно топганини, устунлигини эслатар экан, унинг ҳукмронлиги даврида Хуросон давлатида бадиий адабиёт, илм-фан, санъат ва иқтисодий ҳаётнинг кўплаб соҳалари тараққий этганига ишора қилган. Шоҳ Ғариб Мирзодан камтарлик ва умид туйғуси билан ўзини ҳам дуода ёд ва фотиҳада шод қилишини сўраган. Чунончи:

Етурса нафъи куллий ҳар бир иршод,
Менинг руҳум дуодин қилгасен шод.
Санга бу панд ҳар дам нафъ бергай,
Дуо қилсанг манга ҳам нафъ бергай.

Минг афсуслар бўлсинки, Шоҳ Ғариб Мирзо буюк мутафаккирдан аввалроқ вафот этган. Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниеванинг ёзишича, Алишер Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига ҳар банди 6 байтдан иборат 5 бандли (60 мисра) таркиббанд марсия ёзган. Унда марҳумнинг камтар ва ширинсўз инсон, адолатли ва лутф-марҳаматли шаҳзода, заковатли шоир бўлгани қайд этилади. Бу марсия биринчи марта 1971 йилда атоқли матншунос Ҳ.Сулаймонов томонидан нашр этилган.

Хулоса шуки, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Шоҳ Ғариб Мирзога бағишлаб битган 53-бобида айтилган насиҳатлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки унинг панд-насиҳатлари, биринчидан, даврмиз ёшларининг илмни пухта эгаллашида, касбда камол топишида қўлланма вазифасини ўтайди, иккинчидан эса олимларни эл-юрт учун фойдали илм билан шуғулланишга ундайди. Қолаверса, Бобур ва Фахри Хиравий ёзган маълумотлар бизга Шоҳ Ғариб Мирзонинг ҳам давлатга, ҳам бадиий адабиётга дахлдор етук шахс бўлганини кўрсатади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 323.
9651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 00:55

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05